



# ВОЗОР

«Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмасининг саҳифаси



## Мақоми ўзгаргач...

Кейинги бир неча йилдан буюн пойтахтдаги дярли барча бозорлар мулкчилигининг шаклини ўзгартирган ҳолда очик акционерлик жамиятларига айланган. Янги бозор шариоитлари эса нафақат савдо майдонларининг ташиқ қиёфасини ўзгартириш, балки сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам зарур шарт-шариоитларни яратишни тақозо қилади. Бинобарин, 1999 йилнинг сентябрга қадар «Юнусобод универсал бозори» ОАЖ Олой бозорининг бўлими ҳисобланар ва шариоитлари ҳам мақтағулик эмасди. Очик турдаги акционерлик жамияти сифатида фаолият бошлаганидан сўнг бозор замонавий бозорлар намунасига айланган.

(Ўз мухбиримиз).

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

## Барча шароитлар муҳайё

Хурматли «Оқшом» таҳририяти. Газета саҳифаларида шу йилнинг 1 октябидан бошлаб «Янгиобод» улгуржи бозори фойдаланилган буюмлар универсал бозори сифатида фаолият бошлаганини ўқидим. Илтимос, у ерда яратилган қўлайликлардан воқиф этсангиз.

Шариба Азизова, уй бекаси.

Дарҳақиқат, шу йилнинг 1 октябидан «Янгиобод» улгуржи бозори янги мақомида фаолият юритмоқда. Гап шундаки, кўп йиллар ичда ноқонуний равишда ташкил топиб, фаолият юритган «Тезиков» (расмий номи «Сариқўл» бозори ҳамда шахарнинг бошқа ҳудудларига тарқалиб кетган эски-туски буюмлар савдолари тугатилиб, эндиликда барчаси «Янгиобод»га қўйрилди. Юқорида таъкидланганидек, «Сариқўл» бозори ҳудудида кичик Халқа йўли қурилиши муносабати билан таъмирлаш ўтказилди. Кейинчалик ушбу бозорнинг асл мақоми — қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари савдо бозори сифатида иш юритиши кўзда тутилган.

«Янгиобод» буюм бозорига барча қўлай шариоитларга эга 10 дан зиёд павилёнлар бўлиб, хар бирида маҳсулот тури бўйича — кийим-кечак, радиотоварлар, автомашиналарнинг бутловчи қисмлари, бошқа буюмлар савдоси ташкил қилинади. Шунингдек, бу ердан манзарали қўшлар, баллиқлар, шунингдек, хонаки ҳайвон ва паррандалар учун ҳам алоҳида тегишли равишда ёпиқ ёки очик савдо ўринлари жой олган.

Тошкентда Киев шаҳри давлат маъмуриятининг доимий ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. Биз ваколатхонанинг ижроси директори Сергей Феловдан унинг фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Сергей Александрович, давлат Украина пойтахти ваколатхонасининг республикада очилиши сабабларига тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада икки халқ ўртасида кўп йиллар давомида дўстона алоқалар йўлга қўйилганини айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Масалан, Украинада ҳам Ўзбекистондаги каби буюк актриса Тамарахоним томонидан 30-40 йилларда ижро этилган украин ва ўзбек халқлари дўстлиги ҳақидаги кўшиқ кўпчиликка манзур.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Украинага ва Украина Президентини Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари истисно йўлини танлаган икки мамлакат тарихида янги саҳифа бўлиб қолди. Кейинги ўн йил ичида давлатларимиз ўртасида икки томолама муносабатларини янада фаоллаштиришга йўналтирилган келишувлар юзага келди.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро келишувлар доирасида, ўзаро ҳўрмат таъминлашларидан келиб чиққан ҳолда, икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларини мустақамлаш истагида 1998 йил 16 январда Тошкент шаҳар ҳўким ва Киев шаҳри давлат маъмурияти раиси томонидан икки пойтахт шаҳарлар ўртасида битим имзоланган. Белгиланган лойиҳаларни илчил ва самарали амалга ошириш мақсадида ушбу ҳўжатда алоҳида банд билан Тошкентда — Украина пойтахтининг, Киевда — Ўзбекистон пойтахтининг доимий ваколатхоналарини очиб қўзда тутилган. Ҳўзирда Тошкентда Киев шаҳри давлат маъмурияти ваколатхонасининг ўз фаолиятини бошлагани икки шаҳар ва икки давлат ўртасида ўрнатилган дўстона алоқаларнинг белгиси деб биламан.

садида учрашув маросими ўтказилди. Шунингдек шу кўнларда молиявий тузилмалар билан ҳамкорлик жараёнилари кўзгич кечмоқда. Яқин орада Киевдаги «Крешатик» банки ва «Ўзйўжойамгармабанк» ўртасида алоқа ўрнатиш масаласи хал этилиши кўтилмоқда.

Ийрик корхоналар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари вакиллари томонидан қўшма корхоналар очилиши, савдо йўналиш ташкил қилиши, икки томонлама ҳамкорлик доирасида иқтисодийнинг аниқ соҳаларида муносабатларни кенгайтириш бўйича тақлифлар, фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Уйлаймики, бундай мулоқотлар кейинчалик шаҳарларимиз ҳудудий бирликлари, яъни туманлари ўртасида биродарлашиш ришталарини ўрнатишга ҳам қўлай замин яратлади.

Шу билан бирга ҳўзирда Ўзбекистонга Украинадан янги транспорт воситаларини келтириш масаласи устида музокаралар кетмоқда. Агарда бу йўналишда ҳамкорлик ўрнатилса, биринчи галда Тошкент кўчалари бўйлаб Киевдаги «Авиант» ишлаб чиқариш бирлашмасининг троллейбусларининг қатнови йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, яқин орада — октябрь ойининг охирида Тошкентга Киев шаҳри делегациясининг ташрифи кўтилмоқда. Делегация асосан Украина пойтахти саноат корхоналари вакиллари, ишбилармонлардан иборат бўлиб, бу ерда бўлиб ўтадиган музокаралар доирасида турли соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш масалалари кўрилади, айниса икки шаҳар ўртасида туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши мўлжалланмоқда.

— Ваколатхонанинг мақсад ва вазифаларидан воқиф бўлганлар яқиндан танишиш истагини билдирсалар, қаерга муурожаат қилишлари мўмкин?

— Ҳўзирда Киев шаҳри ваколатхонасининг Тошкентдаги офиси шаҳар ҳўкимлиги биносидеда жойлашган. Яқин кўнларда

## ТАДБИРКОРЛИК

Шаҳзода Саддиева тадбиркор, оила бекаси, фарзандларининг севиқли онаси. Миллий қадриятларимизни тиклаш, хотин-қизларимизни ўзига яраша иш билан таъминлаш, ял-ял товланувчи атлас тўқишни йўлга қўйиш мақсадида у хусусий фирма очиги, мулкдор бўлишга бел боғлади.

— Касбим иқтисодчи-ҳисобчи бўлганлиги боис ҳам ўз бисотимдаги бор нарсаларнинг ҳисобини олдим, маблагим иш бошлашимга етарли эканлигини кўриб, шу билан бирга ердан олишим мўмкин бўлган манбааларни ҳам ўйлаб таваққулига иш бошладим, — дейди шахримиздаги «Турон атласи» хусусий фирмаси раҳбари Шаҳзода Саддиева. — Албатта қийинчиликлар бўлди, лекин ортга қайтмадим. Биринчи навбатда оддий ёғочдан ясалган, лекин сержило атласлар тўқишда муҳим роль ўйнайдиган қўлда

## «Нозанин» атласлари



тўқиш дастгоҳларини сотиб олдим, Маргилоннинг энг тажрибали атлас тўқувчиларидан 8 нафарини ишга жалб этдим ва пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида 2000 йил охирида иш бошладик. 16 та қўлд дастгоҳида янги турдаги 10 хил хонатлас чиқара бошладик. Бу, албатта ўз-ўзидан бўлгани йўқ; хом ашё, харидор ва бошқа масалалар билан мунтазам шуғулланиб, энг муҳими сифатида эътибор қаратдик. Табиий ранглардан фойдаланганимиз боис ҳам маҳсулотимизнинг товланиши ўзгача бўлди, харидорларимиз кун сайин ортиб бормоқда. Ундан тушган даромадларимиз ҳам етарли. Шунга амин бўлдимки, астойдил ҳаракат қилсанг, фақат ўзингни эмас, атрофдагиларни ҳам ўйласанг, яхши ният йўлида маблаг сарфласанг, биринга минг бераркан...

Шуниси қувонарлики, фирма тўқувчилари жорий йилнинг ўтган ойларида 25 минг метрдин ортиқ хонатласни харидорларга етказиб берди. Нухаси, жилolari тасдорланмас ушбу матонинг тури 18 та етди, попоп шеҳи очилди, унда қийиқлар ҳам тиклмоқда. Қўл остидаги ишчилар моддий манфаатдорлигини едда тўтган ҳолда, ортиқча даромадлардан қўшимча иш ўринлари яратиш учун фойдаланилди. Андижон вилоятида 65 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган фирма филиали ўз фаолиятини бошлади. Фаргона вилоятининг Қувасой шаҳрида ҳам филиал очигиша сый-ҳаракатлар бор.

— Ўз мулкчилигини, албатта, авайлаб асраб экансан. — дейди Шаҳзода Саддиева. — Чунки у йўқисиз тушлар сержаммақат қўнларнинг маҳсули-да. Ҳўзир 30 та дастгоҳим бор. Ишчилар ҳам уни қўл қўрачигидай асрашади. Ахир у бизнинг асосий иш қуролимиз, меҳнатимиз натижаси — даромадимизни ундан қўра-миш. Шунингдек, келгусида Эрон, Туркия, Швейцария, Япония билан ҳамкорлик қилиш режаларимиз бор. Яқинда эса «Нозанин» ҳамда «Тошкент» деб номланган янги атласларимизни тортиқ этдик. Доимо шунини едда тутаманки, мени қўлаб-қувватловчи оилалар, дастгоҳларимни юртгўзувчи ишчиларим ва маҳсулотларимни эъозловчи мижозларим бор. Ана шунда ниятларим амалга ошади, мулкдорлик ҳисси эса менга қанот бахш етди.

Дилноза ГИЁСОВА СУРАТДА: Корхона раҳбари Шаҳзода Саддиева сержило хонатласлари билан.

Нўмонжон Мухаммаджонов олган сурат.

## Киев — Тошкент: Ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида

— Икки пойтахт маъмуриятлари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Икки шаҳар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳўқуқлиқ ва ўзаро манфаатли асосда қурилади деб белгиланиши битимнинг мўхиятидан далоят беради. Тошкент ва Киев шаҳарлари муниципалитетлари орқали амалга ошириладиган ҳамкорлик ришталари барча соҳаларга тегишлидир. Жумладан, Киев ва Тошкентнинг жаҳон миқёсида маданий марказлари сифатида эътироф этилганлигини инобатга олган ҳолда битимда маданий алоқаларни янада кўчатиришга қаратилган лойиҳалар алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, Ўзбекистонда таълим тизимида чуқур ислохотлар олиб боришмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг илчил амалга оширилиши эса кўп давлатлар томонидан қўлаб-қувватланиб, бу борада тақриба алмашмиш юзасидан ҳам фикрлар билдирилмоқда. Битимда айнан шу йўналишдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Украина ўртасида кўп йиллардан бери иқтисодий шерикчилик муносабатлари ўрнатилган. Бугунги кунда хар иккала давлат ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳам бир неча миллион долларга етган. Украина Ўзбекистондан асосан табиий газ, пахта толеси, тўқимачилиқ, авиация, кимёвий ва қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини сотиб олса, Ўзбекистон бизнинг мамлакатдан кора металлургия, кимёвий ва машинасозлик саноати; қанд, писта ёғи каби маҳсулотларни импорт қилади. Қўлга киритилган ютуқлар, тажриба ва имкониятларни янада кўчатириш мақсадида битимда Тошкент ва Киев шаҳарлари иқтисодийнинг турли баҳбаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, савдо алоқаларини янада яқшиллаш, музокаралар юритишга етарли даражада салоҳиятга эга кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

— Мазкур битимнинг ҳаётга татбиқ этилиши қандай кечмоқда, хусусан, ваколатхона фаолияти бошланган даврдан буюн қандай амалий ишлар қилинди?

— Киев шаҳри ваколатхонаси Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2001 йил 23 июлда қайди этилган. Бирок, айтиб ўтиш жоиз, Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг ердими туфайли бу борадаги барча ташкилий масалалар тезлик билан хал этилиб, рўйхатдан ўтишдан анча аввал — битим доирасида бир неча амалий ишлари олиб боришга муваффақ бўлинди. Хусусан, ўз фаолиятини хайрилик билан бошлаш нияти билан Ўзбекистондаги Украина элчихонаси ва Тошкент шаҳар ҳўкимлиги ҳамкорлигида иккинчи жаҳон урушида Киев шаҳрини озод этишда қатнашган ва Днепр дарёсини забт этган 27 нафар ўзбекистонликларни хотирлаб, уларнинг оилаларига Украина озод этилганлигига 55 йил тўлиши муносабати билан таъсис этилган медални топшириш ва украин халқи номидан қўрсатган жасоратлари учун миннатдорчилик билдириш мақ-

сада унинг юридик манзили ўзгариши кўтилмоқда — ваколатхона учун шаҳар марказидан алоҳида жой ажратилган. Янги манзил бўйича Украина пойтахти билан таъминловчи ҳамда унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини намойиш етувчи маҳсул қўрағам ташкил қилиш ниятимиз бор, шунингдек бу ерда Киев шаҳри иқтисодий тузилмалари фаолиятига бағишланган ахборотномалар тайёрланмоқда. Қўшимча маълумотларни 139-05-77, 139-05-48 телефонлари орқали олиш мўмкин.

— Ўзбекистонда сиз аввал ҳам бир неча йил фаолият юритган экансиз. Шундай бўлсада, меҳмон сифатида юртимиз ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистонга биринчи бор 1994 йили келганман ва бир неча йил ишлаганман. Демак, бу ердаги ижобий ўзгаришларни кузатишга муваффақ бўлганман десам ҳам бўлади. Пойтахтдаги ва вилоятлар марказида олиб бориладиган қўлама кенг қурилиш ишлари мени жуда ҳам ҳайратта солди. Агарда 90-йиллардаги Тошкентни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсан, фарқи сезиларли даражада, айниса унинг ташқи қўрилишида ўзгаришлар кўп. Шаҳар янада қўқаламзор бўлиб, йил сайин кенг, равон қўчалар кўпайиб бормоқда. Кичик меъморий ечимдаги фавворалар катта-катта иншоотлар билан уйғунлашиб, пойтахтнинг қўригига янада раёз киритаётгани кўпчилик томонидан эътироф қилиниши шўбҳасиз. Умуман олганда, республикада эришилган ютуқларнинг бари ўзбек халқининг ва шахсан Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримовнинг хизмати эвазига деб ҳисоблайман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, кўпчилик украинликлар дилда ҳам, тилида ҳам «Тошкент — нон шаҳри» ибораси сакланиб қолган. Ўзбекининг дастурхони қўрқи бўлиши тандир номининг лаззатини ҳеч бир нарса билан тенглаштири бўлмайди.

Тошкент бозорларининг ҳам бетакорор хусусиятлари бор. Мен учун энг «саҳабтоб» бозор — Миробод. Қўйлик бозорини эса кўп жихатлари билан ҳамма учун қўлай деб ўйлайман, қолаверса, бу ерда шарқона бозорлар аънавалари сакланиб қолган десам бўлади. Бундан ташқари, айнан Тошкент бозорларида тез-тез бўлишим сабабли ўзбекча сўзлашишни ҳам анча ўрганиб олдим.

Юртингизга бўлган муносабатимни янада аниқроқ айтадиган бўлсам, мени бетакорорлиги билан ажралиб турадиган ўзбек халқи аънавалари илхосимдиман. Катталарга ҳўрмат-эҳтиром, аёлларга бўлган эътибор, ёш авлод устида ғамқўрлик, ўз элига бўлган муҳаббат — буларнинг бари ўзбек халқига хос аънавалар. Ўзбекларга хос бўлган бағрикенглик, меҳмондўстлик хислатлари эса миллатлараро муносабатларнинг ҳамжихатлиқ ва тинчлик-товушлик йўлида олиб борилишида алоҳида ўрин тутуши шўбҳасиз, шу жумладан украин халқи ўртасидаги ҳамкорлик борасида ҳам.

Сўхбат Тошкент шаҳар ҳўкимлиги Матбуот хизмати томонидан тайёрланди.

## Хорижга ўқишга

Ўзбекистонда америкача ўқиш АКСЕЛС дастури негизда «Бўлажақ лидерларни айирбошлаш» мактаб дастури ҳам амал қилинмоқда. Ушбу йўриқнома бўйича республикамиздаги мактабларнинг юқори синф аълочи ўқувчилари ҳамда академик лицей ва

касиб-ҳўнар коллежлари биринчи курс толиби илмлари маҳсули йўналиши билан Америкага ўқишга жўнаб кетдилар. Бу йўлги бундай имтиёзга 50 нафардан ортиқ иқтидорли ўқил-қиз эга бўлди. Бу ёшлар бир йиллик таълим жараёнида инглиз тилини чуқур ўрга-



